

№04(03)2022 JYL

BILIM-GYLYM JURNALY

ADAM

KAPITAL



Rustem Pazylov

халықаралық ғылыми-педагогикалық,
тарихи-танымдық, саяси-қоғамдық,
инновациялық-әмбебап журналы

Қазақстан Республикасы
Ақпарат және Қоғамдық даму
министрлігі
Ақпарат комитеті
Мерзімді баспасөз басылымын,
ақпарат агенттігін және
желілік басылымды
есепке қою туралы
КУӘЛІК №КЗ46VPY00047895
берді

Бас редактор – Әзілхан АХМЕТОВ

Редакциясының
Нұр-сұлтан қаласы бойынша жетекшісі –
Бақыткүл ЖОРАБАЕВА

ШТАТТАН ТЫС ШЫҒАРМАШЫЛЫҚ ТОП:

Аман ЖАЙЫМБЕТОВ,
(Түркістан облысы)
Назгул СЫРЫМБАЕВА
(Шымкент қаласы)
Дәурен АБДРАХМАНОВ,
(Шымкент қаласы)
Жайсан НҰРЖАНОВА,
(Түркістан облысы)
Нағима АЗБЕРГЕНОВА,
(Шымкент қаласы)
Қанат САРЫБАЕВ,
(Түркістан облысы)
Дәурен МҰСТАФИН,
(Түркістан облысы)
Жанар СЕЙТМАХАНБЕТ
(Шымкент қаласы)
Үміт БЕКЖАНОВА
(Батыс Қазақстан облысы)
Жолымбет МӘКІШ
(Алматы қаласы)
Нұрсұлтан ТАЛҒАТУЛЫ
(Манғыстау облысы)

ҚОЛДАУШЫ МЕКЕМЕЛЕР:

Халықаралық Адам институты,
“Түркістан облыстық білім саласының
ардагерлер кеңесі кәсіподағы”
қоғамдық бірлестігі,
“Адами капитал” қоғамдық қоры,
“Қазақтану” ғылыми зерттеу орталығы

РЕДАКЦИЯ МЕКЕН ЖАЙЫ:
Астана қаласы,
Қабанбай батыр көшесі, 59/3
Шымкент қаласы,
Төкен Әлімқұлов көшесі 2/2

БАЙЛАНЫС ТЕЛ.: 8771-149-71-81

Таралым: 1000
Тапсырыс: 05
Журнал айына 1 рет шығады.
Журнал редакция баспасында
25.05.2022 жылы басылды

Жанұзақ ӘКІМ Мендешұлы, Халықаралық Адам институтының президенті, жаратылыстану ғылымдарының кандидаты, Қазақ ұлттық жаратылыстану ғылымдары академиясы мен КОНКОРД (Франция) академиясының корреспондент-мүшесі, Еуропа жаратылыстану ғылымдары академиясының академигі (Қазақстан-Алматы).

Оразалы СӘБДЕН, Қазақстан Республикасы Білім және ғылым министрлігінің Экономика институтының директоры, «Ғалымдар одағы» республикалық қоғамдық бірлестігінің президенті, экономика ғылымдарының докторы, Қазақ Ғылым академиясының, Қазақ ұлттық жаратылыстану ғылымдары академиясы, Қазақстан Республикасы Жоғары мектеп ғылым академиясының академигі, Мемлекеттік сыйлықтың иегері (Қазақстан-Алматы).

Мекемтас МЫРЗАХМЕТҰЛЫ, филология ғылымдарының докторы, профессор, Мемлекеттік сыйлықтың иегері, «Түркі әлеміне қызмет» халықаралық сыйлығының иегері (Қазақстан-Шымкент).

Өмірбек БӘЙГЕЛДІ, Мемлекет және қоғам қайраткері, экономика ғылымдарының докторы, Қазақ ауылшаруашылық ғылымдары академиясының академигі, Қазақстан Республикасы инженерлік академиясының корреспондент-мүшесі (Қазақстан-Нұрсұлтан).

Григорий Васильевич Томский, Франциядағы КОНКОРД халықаралық академиясының президенті, физика-математика ғылымдарының докторы, профессор (Франция-Париж).

Өмірәлі ЖАЛАИРИ Шақаранұлы, Д.А.Қонаев атындағы Еуразия заң академиясының ректоры, заң ғылымдарының докторы, профессор, Қазақстан педагогика ғылымдары академиясының академигі, Қазақстан жоғары мектебі ғылыми академиясының академигі, Санкт-Петербургтегі Петров ғылым және өнер академиясының корреспондент-мүшесі (Қазақстан-Алматы).

Полат Жамалов Өнерұлы, Мәскеу қаласындағы «Қазақ диаспорасы» қорының төрағасы, физика-математика ғылымдарының докторы, профессор (Ресей-Мәскеу).

Омаров Бауыржан Жұмаханұлы, Қазақстан Республикасы Президентінің кеңесшісі, филология ғылымдарының докторы, профессор, Қазақстан Республикасы Ұлттық Ғылым академиясының академигі. (Қазақстан-Нұрсұлтан)

Дихан ҚАМЗАБЕКҰЛЫ, Л.Гумилев атындағы Еуразия ұлттық университетінің ғылыми проректоры, филология ғылымдарының докторы, профессор, Қазақстан Республикасы ұлттық ғылым академиясының академигі (Қазақстан).

Нұрлан МЫҢБАЙ Жакыпұлы, М.Әуезов атындағы ОҚ университеті, Гуманитарлық ғылымдар ҒЗИ Түркология бөлімінің директоры, филология ғылымдарының докторы, профессор, Ресей жаратылыстану ғылымдары академиясының корреспондент-мүшесі (Қазақстан-Шымкент).

Петушков Владимир Сергеевич, Физика-математика ғылымдарының докторы, профессор (Ресей-Мәскеу)

Сәуле Тарихқызы Омарова, Корнель университетінің банк құқығының профессоры, Висконсин университетінің Ph.D докторы (АҚШ-Вашингтон)

Султонбек Нормаматов Эрматович, Әлішер Науаи атындағы Ташкент мемлекеттік өзбек тілі және әдебиеті университетінің оқу ісі жөніндегі проректоры, Филология ғылымдарының докторы, доцент (Өзбекстан-Ташкент)

Набил Ал-Тикрити, Мэри Вашингтон Университетінің Ph.D докторы, тарих және Америктану кафедрасы доценті (АҚШ-Вашингтон)

Мұрсал-Нәби Тұяқбаев, физика-математика ғылымдарының кандидаты, Қазақ ұлттық жаратылыстану ғылымдары академиясы корреспондент-мүшесі, Қазақстанның Ресейдегі елшісінің кеңесшісі (Қазақстан-Нұр-сұлтан).

санын санайды.

2.«Түрлі өлшемдермен өлше». Бірдей мөлшердегі құмды балалар түрлі белгілері бар қасықтармен өлшеп салыстырылады және санын санайды.

Сурет сабақтарында келесі сабақ түрлерін қолдануға болады:

1. «Құммен сурет салуды үйренеміз». Осы сабақты балалармен бастапқы кезеңде әрқайсысымен жекелеп өткіземіз. Бір заттың бейнесін саламыз немесе көшірме қағаз арқылы бейнелейміз. Суреттің ортасына жіңішке қылқаламмен желім жағып үстіне құм себеміз, 1-2 минуттан соң артық құмды алып тастаймыз да, қайта өз ыдысына қалдық құмды саламыз.

2. «Суретті құммен саламыз». Сабаққа түрлі түсті гуашпен боялған және түрлі табиғи реңкі бар құмдарды қолданамыз. Түрлі түсті құмды біртіндеп желіммен әр түсті жеке алып отырып суретті шығарамыз.

3. «Бауырсақ және түрлі безендірілген қуыршақтар»

дымқыл құмнан мүсіндеу. Құм ойындары.

Қыстың суық күндерін де сыртқа шығу мүмкін болмаған жағдайда балалармен құммен ойнайтын түрлі ойындар ұйымдастырылады.

Ойын түрлері:

«Ненің ізі».

«Келесіге бер»

«Сезімтал алақандар»

Еркін ойындар»

Құм терапиясының маңыздылығы:

-сөзбен айтып жеткізе алмайтын ойлаумен қобалжуларды сыртқа шығаруға көмектеседі.

-Іште туындаған қиын жағдайларды, шығармашы-лық потенциалдарын босатады.

Құмзар ойыны баланы тәрбиелеуде дамытуда маңызды рөл атқарады. Құмзар ойындарды, жаттығу-ларды пайдалану балалардың эмоциясын, шығармашы-лығын, зейіндерін, қабілеттерін дұрыс көзқарастарын қалыптастыруға маңызды рөл атқарады.

Қорыта айтқанда, «Құм

терапиясының» негізін қалаушы Карл Густав Юнг «Қиялдау -ол барлық мүмкіндіктердің анасы, онда карама-карсы сыртқы және ішкі дүние бірге қосылады» деген. Демек бала қиялындағы сөзбен айтып жеткізе алмайтын дүниесін құмға түсіре алатындығына көзіміз жетті. Бала қолымен және табиғатпен жасалған шынайы, тартымды және тартымсыз пішіндерді қолданады, ал қолдан жасалған заттар шындықты қабылдауға көмектеседі.

Пайдаланылған әдебиеттер тізімі:

1. Т.Д. Зинкевич-Евстигнеева Т.М. Грабенко « Чудеса на песке» практикум по песочной терапии. Из-во « Речь» 2005 год

2. Т.Д. Зинкевич-Евстигнеева Т.М. Грабенко « Игры в сказкотерапии» СПб 2008

3. М.В. Кисилева «Арт-терапия в работе с детьми» СПб 2006

4. Балапанов Е.Қ.Бөрібаев Б.Б. Ақпараттық мәдениет негіздері. Әдістемелік нұсқау-Алматы, 2005жыл.



СУЛТОНБЕК НОРМАМАТОВ,

Тошкент филология, ўзбек тили ва адабиёти университети филология фанлари доктори, доцент

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙНИНГ ЛУҒАТЧИЛИК ВА ЛУҒАТШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Ўзбек лексикографияси тарихида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари алоҳида ўрин тутади. Мазкур даврда ижод қилган жадид маърифатпарварларининг назарий ва амалий лингвистик фаолиятлари натижаси таъсирида лексикография фани соҳасининг луғатшунослик ва луғатчилик йўналишларида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бугунги лексикография фанида “луғатчилик” ва “луғатшунослик” атамалари маънодош сифатида қўлланилиб келмокдаги, бу ҳолат

атамалар ифодалаган маънони маълум даражада аниқлаштиришни талаб қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мақолада ўзбек маърифатпарвар зиёлиси Ашурали Зоҳирийнинг дастлаб луғатшунос сифатидаги илмий-тадқиқий фаолияти ўрганилди. Унинг луғатчилик фаолияти эса ўзи тартиб берган “Русча-ўзбекча мукамал луғат” (2 жилдли, Тошкент-Самарқанд, 1927) асари ва унинг амалий аҳамияти асосида изоҳланди. Шу асосда адибнинг луғатшунос ва луғатчи сифатида замонавий ўзбек лексикографиясининг ривожланиш босқичларидаги ўрнига баҳо берилди.

Калит сўзлар: қадимги туркий тил, эски туркий тил, лексик фонд, луғатчилик, луғат-грамматика, лексик меъёр, грамматик меъёрлар, луғатчилик принциплари, лексикографик ишоралар, замонавий лексикография.

Аннотация

В истории узбекской лексикографии особое место занимают конец XIX века и начало XX века. В результате теоретической и практической лингвистической деятельности современных просветителей, созданной в этот период, были достигнуты определенные успехи в области лексикографии и лексикографии. В современной лексикографии термины «лексикография» и «лексикология» используются взаимозаменяемо, что требует определенного определения значения терминов. Следовательно, в статье рассматривается исследовательская работа узбекского просвещенного интеллектуала Ашурали Зохири как лексикографа. Его лексическая деятельность была объяснена на основе его работы «Полный русско-узбекский словарь» (2 года, Ташкент-Самарканд, 1927) и его практической значимости. Исходя из этого, была оценена роль писателя как лексикографа и лексикографа на этапах развития современной узбекской лексикографии.

Ключевые слова: древнетюркский язык, древнетюркский язык, лексический фонд, лексикография, лексико-грамматика, лексические нормы, грамматические нормы, принципы лексикографии, лексикографические знаки, современная лексикография.

Abstract

In the history of Uzbek lexicography, the end of the 19th century and the beginning of the 20th century have a special place. As a result of the theoretical and practical linguistic activities of the modern enlighteners created during this period, certain achievements were made in the field of lexicography and lexicography. In today's lexicography, the terms "lexicography" and "lexicology" are used interchangeably, which requires a certain definition of the meaning of the terms. Hence, the article examines the research work of the Uzbek enlightened intellectual Ashurali Zohiri as a lexicographer. His lexical activity was explained on the basis of his work "Complete Russian-Uzbek dictionary" (2 years, Tashkent-Samarkand, 1927) and its practical significance. On this basis, the role of the writer as a lexicographer and lexicographer in the developmental stages of modern Uzbek lexicography was assessed.

Key words: ancient Turkic language, old Turkic language, lexical foundation, lexicography, lexicology.

grammar, lexical norms, grammatical norms, principles of lexicography, lexicographic signs, modern lexicography.

КИРИШ. Маълумки, Махмуд Кошғарийнинг лингвистик фаолияти ва у яратган “Девону луғотит турк” асарининг жаҳон юзини кўриши билан туркий луғатчиликка асос солинди. Бугунги кунгача узок тарихга эга бўлган туркий луғатчилик, кейинчалик ўзбек лексикографияси фани соҳасида турли типдаги луғатлар яратилди ва яратилмоқда. Яратилган луғат муаллифларининг айримлари луғатчилик соҳасида фаолият юритган бўлса, айримлари ҳам луғатчилик, ҳам луғатшунослик соҳасида самарали фаолият олиб боришган. Давр нуқтаи назаридан XIX аср охири XX бошларидаги ўзбек лексикографиясига умумий тавсиф берилар экан, бу даврда ҳам луғатчилик, ҳам луғатшунослик йўналишларида фаолият олиб борган, лексикографиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланган, фан тақомилига ўз хиссасини қўшган жадид адибларининг фаолиятларини муфассалроқ ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбек лексикографияси фанининг мана шу икки йўналишида фаолият олиб борган жадид маърифатпарварларидан бири Ашурали Зохирий хисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ. Мазкур даврда Туркистондаги маданият ва маърифий ҳаётнинг таниқли намояндalarидан бири Ашурали Зохирий эди. Ўз даврининг маърифатпарвар зиёлиси сифатида ўлкадаги миллий истиқлолчилик ишларига ҳам аралашиб педагогик фаолият билан бир қаторда матбуотчилик билан, тилшуносликнинг алифбо ва имло масалалари билан, адабиётшуносликнинг адабий манбашунослик, фольклоршунослик масалалари билан ҳам шуғулланади, мазкур соҳаларда ҳам илмий фаолият олиб боради. Жумладан, манбашунос, матншунос олим сифатида 1914 йилда Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” ва “Вакфия” асарларини, Зохириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини қайта нашр эттиради, фольклоршунос сифатида бой ўтмиш маданият-маънавий меросимиз бўлган ўзбек халқ оғзаки ижодидаги эртақ, мақол, қўшиқ, ёр-ёр, ўлан, лапарларни тўплади ва ўзи махсус сўзбоши билан матбуотда эълон қилади.

Ашурали Зохирийнинг ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги тарихида тутган ўрни, илмий-ижодий, адабий, лингвистик мероси юзасидан муайян тадқиқотлар олиб борилган [1].

Адиб замонасининг илғор зиёлиси сифатида ўзбек тили ва адабиётига оид ўтмиш нодир манбаларни тўплаш, ўрганиш ва матбуотда кенг ўқувчилар оммасига етказиш ишларида ҳам фаол бўлган. Бундай ўрганилган ва ўша давр китобхонага тақдим этилган манбалар қаторида туркий луғатчиликка оид асарларнинг ҳам мавжудлиги анча эътиборни тортади. Бу ҳолат адибнинг луғатчилик, яъни луғат яратиш

фаолиятдан олдин луғатшунослик, яъни туркий луғатчиликда яратилган нодир асарларни лексикографик тадқиқ этиш, улардаги луғатчилик тамойилларини аниқлаш, изоҳлаш ва китобхонлар оммасига тақдим этиш иши билан шуғулланганлигини кўрсатади. Унинг луғатшунос сифатидаги фаолиятини “Келурнома” луғати устида олиб борган изланишларида кўрамыз.

Ёшлигида Мадалихон мадрасасида араб ва форс тилларини ўрганган, туркий тиллардан озарбайжон, турк, козоқ, кирғиз, татар тилларини ҳамда рус тилини пухта ўзлаштирган Ашуралӣ Зоҳирӣ тилшунослик, хусусан, унинг лексикография соҳасида ҳам муайян билимларга эга бўлган, туркий луғатчиликдаги нодир манбалар билан ҳам қизиққан. Жумладан, у “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1927 йилдаги 9-10 сонларида “Келурнома” номи остида мақола эълон қилади. Муаллиф мақола муқаддимасида дастлаб Маҳмуд Кошғарийнинг “Китоби жавоҳирун фи-л-луғати-т-турк” (“Туркий тиллар наҳф ва синтаксиси дурдоналари”) асарининг ўша даврда ҳалигача топилмаганлигини, ўрганилмаганлигини ва халққа тақдим этилмаганлигини афсус билан тилга олиб жумладан шундай дейди: “Ўрта Осиё туркларининг тилларига “хору-хас” оралашмагон даврларда ёзилгон луғат, тил қоидалари (сарф-наҳф) бугунгача топилмади ва нашр этилмади... Бугина эмас, бундан бошқа ҳам тил ва адабиётимизга оид ёзилгон асарларнинг бўлишига шубҳа йўқ, фақат буларни излаш, тафтиш қилиш, топилогонини майдонга қўя бориш лозимдир. Ўша лузумият мени “Келурнома” исмли китобни матбуот бетиغا чиқармоқликка шавқ этди” [2]. Демак, бу фикрлардан тушуниш мумкинки, муаллиф ўша даврдаёқ қадимги туркий тил, эски туркий тилга алоқадор нодир манбалар қаторида туркий луғатчиликга оид нодир асарлар тадқиқи билан ҳам жиддий шуғулланган, луғатчилик, луғат яратиш принципларини пухта ўзлаштирган ва шунинг баробарида Муҳаммад Якуб Чингийнинг “Келурнома” асари, яъни чиғатойча-форсча луғатини содда тушунтириш, изоҳлар асосида ўқувчига етказишни мақсад қилган. Зоҳирӣ луғат ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб шундай дейди: “Мулло Якуб Чингий ўзининг бу луғатини тартиб беришда дарслик ёки ўзи ўргатгич (самоучител) бўлишлиқ йўлини туткон бўлса керак, энг аввал бир неча феълларни келтириб, таржума қилиб, сўнгра то уларни тасриф қилади. Булардан кейин ер ва кўкдаги бор ҳам бошқа исмларни баён қилмоққа бошлайди” [2;2].

Ўзбек тилшунослиги тарихи, шу қаторда луғатчилик тарихига ҳам эътибор қаратилса, маълум бўладики, сўзларнинг нутқда қўлланиш имкониятлари (ички ва ташқи хусусиятлари)га эътибор берилган, луғатчиликда анъана тусини олган “луғат-грамматикалар” қўллаб тузилганлиги кузатилади.

А.Зоҳирӣнинг юқоридаги фикрида “Келурнома” луғати оддий таржима луғати эмас, балки “луғат-грамматика” эканлиги ҳақидаги тўғри ва асосли хулоса ётади, яъни етук луғатшунос сифатида “Келурнома”нинг қандай типдаги луғат эканлигига тўғри баҳо бера олганлиги сезилади.

Муаллиф луғат ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан, “Келурнома” жами 15 бобдан иборат эканлигини, асарнинг 14 боби феъллар изоҳига, 15- боб эса исмлар (эғалик ва келишиқ қўшимчаларини қабул қилган сўзлар) туркумидаги лексемалар изоҳига бағишланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Муҳаммад Якуб Чингий луғатда келтирган феълнинг 13 хил грамматик формасини тартибга солиб, таҳлил қилади: *ўқуди – ўткан замон феълининг борлиги (яъни, феълнинг ўткан замондаги бўлишли шакли); ўқумади – ўткан замон феълининг йўқлиги (феълнинг ўткан замондаги бўлишсиз шакли); ўқуптур – ўткан замон феълининг ҳикояси. Борлиқ. (ўткан замон ҳикоя феълининг бўлишли шакли); ўқупаттур – ўткан замон феълининг ҳикояси. Йўқлиқ. (ўткан замон ҳикоя феълининг бўлишсиз шакли); ўқийдур – ҳозирги замон феъли. Борлиқ. (ҳозирги замон феълнинг бўлишли шакли); ўқимайдур – ҳозирги замон феъли. Йўқлиқ. (ҳозирги замон феълнинг бўлишсиз шакли); ўқур – келар замон феъли. Борлиқ. (феълнинг келаси замондаги бўлишли шакли); ўқумас – келар замон. Йўқлиқ. (феълнинг келаси замондаги бўлишсиз шакли).* Албатта, икки тилли, уч ва ундан ортиқ тилли соф таржима луғатларига қараганда, “луғат грамматикалар”ни ўқиб, тушуниш, ундаги грамматик қонуниятларни ўзлаштириш оддий китобхон учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши табиийдир. Мақолада “Келурнома”нинг умумий ҳолда туркий халқлар учун нодир лексикографик манба сифатидаги ўрнини кўрсатиш ва ўз таъбири билан айтганда, “матбуот бетиға чиқармоқлик” муаллифнинг биринчи мақсади бўлса, ундаги грамматик қонуниятлар (феъллар ва исмларнинг грамматик шакллари) ҳақидаги маълумотларнинг батафсил изоҳланиши луғатнинг мазмун-моҳияти билан ўша давр китобхонини кенгрок, соддароқ таништириш кўзланган мақсаднинг иккинчи томонидир.

Дарҳақиқат, луғатларда муайян тилнинг маълум бир даврдаги лексик фонди, ундаги сўз ва тушунчалар ҳақида маълумотлар акс этиши билан бирга, уларнинг ўша тилдаги лексик ва грамматик меъёрларни белгилашдаги вазифаси ҳам муҳим саналади. Мақола муаллифи А.Зоҳирӣ янги ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик меъёрлари эндигина шаклланаётган мазкур даврда меъёрлардаги чалкашликларни бартараф этишда, феълнинг замон категорияларини ҳосил қилувчи аффиксал морфемаларнинг тўғри қўллаш масаласини “Келурнома” асаридаги баъзи қонуниятлар асосида бартараф этишни ҳам тақдиф қилади: “*ўқийдур, ўқийотибдур, ўқумоқда* шаклларида

келадурғон ҳозирги замон феълининг уч шаклидан энг тублиси ва тўғриси бўлгон “ўқийдур” ни “михонд” таржумаси билан келтириш – “ўқур” билан “ўқубди (ўқийдур)” ни ишлатишда адашадурғон, билар-билмас буталтирадурғонлар учун зўр қоидадир. Бу хилда буталдириш ҳозирги газета ва журналларда кўб учрайди” [2;3]. Демак, А.Зоҳирий ўша даврда янги ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик меъёрларининг шаклланиш жараёнларига ҳам бефарқ бўлмаган, фикрича, матбуот саҳифаларини мунтазам кузатиб борган, улардаги сўзлар танланиши ва гаплар қурилишидаги беқарорлик, яъни ҳар хилликларни бартараф этиш чораларини кўрган, янги ўзбек адабий тилининг грамматик қонуниятларини белгилашда ўз тақлифларини билдириб борган, илгари сурган фикрларини “Келурнома” каби нодир лексикографик манбалардан олинган мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, муаллиф “Келурнома” луғатининг 14 та бобида мисоллар асосида берилган туркийча феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлик, бўлишли ва бўлишсизлик, нисбат категориялари ҳақидаги назарий маълумотларни ўша давр китобхони учун содда усул ва тушунарли тилда батафсил изоҳлаб кўрсатган.

Умуман олганда, Ашурали Зоҳирийнинг луғатшунос олим сифатида туркий луғатчиликнинг тарихи, назарий масалалари билан қизиқиши, лексикографияга оид нодир манбалар устида изланишлар олиб бориши ва бунинг баробарида керакли назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши айни дамда унинг луғатчилик фаолияти билан ҳам шуғулланишига замин ҳозирлаган. Шу асосда Туркистон Маориф комиссарлиги ҳузуридаги Илмий марказнинг топшириғига биноан икки тилли таржима луғати ҳисобланган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” (2 жилдли, Тошкент-Самарқанд, 1927) ни яратган [3]. Тилшунос Т.Тоғаев ўз тадқиқотида мазкур луғатнинг яратилишига сабаб бўлган омиллар, луғат учун асос бўлган манбалар, таржимада сўзлар танланиши ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида етарлича маълумот бериб ўтган [4].

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган Чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги мустамлака сиёсати маҳаллий туркий халқларнинг тили, маданияти ва этнографиясини ўрганиш, улар орасига “суқилиб кириш”, кузатув ишларини олиб бориш эҳтиёжини юзага келтирган ва бу эҳтиёж “русча-ўзбекча”, “ўзбекча-русча” характеридаги, яъни ўзаро мулоқотни амалга оширишни таъминловчи луғатларнинг яратилишига замин бўлган эди. Жадид зиёлилари ҳам инқилобни қўллаб-қувватлаш ва иккиланишлар даврида (дастлабки давр) мамлакат тараққиётини, миллат равангларини ўйлаб, барча соҳани тиклашни, ҳар соҳада дунё ҳамжамияти каторига қўтарилишни назарда тутиб, омманинг онг, билим даражасини, маънавиятини юксалтириш мақсадида рус тилини

ўрганиш, улар билан эркин мулоқотни таъминлаш каби мақсадларни назарда тутган ҳолда “русча-ўзбекча” ёки “ўзбекча-русча” характеридаги икки тилли таржима луғатлари устида иш олиб боришди. Бу ишни дастлаб замонасининг илғор зиёлиси сифатида Ашурали Зоҳирий ўзининг “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” ни яратиш билан бошлаб берди. Мазкур луғатни бунгача рус турколог олимлари, рус давлат хизмати вакиллари ва бошқа туркий халқлар лексикографиясида яратилган таржима луғатлари [5] билан қиёслаб эканмиз, муаллифнинг луғат тартиб беришда улардан фарқли ўлароқ ўзбек тилининг миллий хусусиятларини, шаклланаётган янги ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик меъёрларини эътиборга олган ҳолда жонли халқ тилидан кўплаб сўз ва ибораларни киритганлиги эътиборни тортади. Шунингдек, мазкур даврда икки тилли таржима луғатларининг такомиллашиб бориш жараёнини таржимада берилган сўзликнинг микдори, ундаги изоҳларнинг тушунарлилик даражаси ҳамда ҳозирги икки тилли таржима луғатларига хос бўлган лексикографик ишоралардан самарали фойдаланганлик нуқтаи назаридан кўрсатиш мумкин.

ХУЛОСА. Ашурали Зоҳирийнинг лексикография соҳасидаги фаолиятига баҳо берар эканмиз, унинг туркий луғатчиликдаги нодир асарларнинг назарий тадқиқига бағишланган ишлари биринчи йўналишни, яъни луғатшунос олим сифатидаги фаолиятини кўрсатса, XX аср бошларида ўзбек зиёлиси муаллифлигида яратилган дастлабки русча-ўзбекча таржима луғатига муаллифлик қилгани унинг амалий луғатчилик фаолиятини белгилайди. Бу ҳолат ўзбек луғатчилиги ва луғатшунослигининг ривожланиш босқичларида маърифатпарвар жадид адиби Ашурали Зоҳирийнинг ҳам муносиб ўрни борлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Жалолов А. Ўзганбоев Г. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.47-50; Нурмонов А. Ўзбек тилишунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.132-138.
2. Ашурули Зоҳирий. “Келурнома” // “Маориф ва ўқитгувчи” – Тошкент, 1927. 9-10- сон.
3. Ашурали Зоҳирий. Русча-ўзбекча мукаммал луғат. 2 жилдли. – Тошкент-Самарқанд, 1927. – 452 б.
4. Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилишунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.
5. Алексеев З. Самоучитель сартовского языка. – Ташкент: Типо-литография С.И.Лахтина, 1884. – 321 с; Латинь С.А. Карманный русского-узбекский словарь. – Самарканд: Типография И.А.Балобородова, 1899. – 63 с; Афанасьев Л. Словарь сартовских словъ съ главнейшими грамматическими правилами. – Самарканд: Типо-литография, 1909. – 201 с.